

Академика наук



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLİKASI FANLAR АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLİKACИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

# ЎЗБЕК ТИЛИ VA ADABIYOTI



1 / 2009



ҚОНАҚБАЙ ТУРДИБОЕВ

## ИБРОҲИМ ЮСУПОВ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ

(“Посейдоннинг газаб” поэмаси мисолида)

Сўнгги босқич қорақалпоқ бадний тизимида миллий негиз – халқ оғзаки ижоди поэтик аъёналарига мойиллик анча кучайди. Бинобарин, бадний мушоҳада маъниқий тараққиётини таъмин этиш, мифологик-бадний тафаккур миқёсларини кенгайтириш, маънавий-маърифий кадриятларни қайта тиклаш ҳамда баҳолаш бевосита фолклор асосларидан ибтидоланади. Айнан халқ жанрларига мурожаат шамойили кучайиши жараёнини ахборот тезкорлиги ҳамда оддийликка интилиш ҳосиласи сифатида идрок этиш мумкин. Шунинг баробарида, фолклор унсурлари барқарорлашаётган бадний кутбни илмий тадқиқ этиш, муайян илмий-назарий хулосалар чиқариш маданияти ҳам шаклланимokban. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон қаҳрамони, машҳур шоир И.Юсупов қаламига мансуб “Посейдоннинг газаб” лиро-эпик поэмасида кузатиладиган оғзаки ва ёзма аъёналар уйғунлигига эътиборни қаратиш ижодкор адабий маҳорати кирраларини очишга ёрдам беради.

Асардаги ҳаёт ҳақиқати кенг эпик сарҳадларда ҳаракатланиши, бир нечта тарихий даврлараро ўлчам мувозанати, III шахс нутқидан иборат ифода мустақиллиги, қаҳрамон характерини очиб беришда психологик таҳлил устуворлиги унинг муваффақиятини тайин этган. Юксак ижодий пафосда битилган сатрларда тасвир ва талқин донимий тарзда ўрин алмашиб туради. Батафсил чизгиларга йўғрилган мажоз муаллиф талқинини фолклорга туташтиради. Аниқроғи, рамзий восита ижодкор гоъвий-бадний ниятини юзага чиқаради. Мана шундай адабий-амалий ва илмий-назарий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, биз мақолада асарни лиро-эпик поэма тарзида ўрганишни мақсад қилиб қўйдик. Унда миллий-бадний онг ва реалистик тасвир уйғунлиги уч босқич (рамз-метафора-мажоз)дан иборат. Эртас сюжетни асосига қурилган муаззам асарда муаллифнинг қаҳрамон характерини ижодий далиллаш маҳорати қабариб кўрилади.

Поэмада ҳикоя қилинишича, ибтидоий даврда дарё илоҳаси Анахита исмли аёлнинг эрка ва гўзал қизи денгиз худоси Посейдоннинг кенжа ўглини севиб қолади. Воқелик мана шу тугундан бошланади. Сюжет тизими асарни «эртас» ёки мифологик талқин деб аташга замин ҳозирлайди. Воқеалар тизими билвосита тафсилотдан ибтидоланади:

...Эртасдан болалаб эртас яралди,  
Ғойибона ишқдан ёниб юраги,  
Ҳавойи кўк денгиз шахзодасин қиз  
Энди ҳар кун тушларида кўради<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қarang: Далгат У.Б. Литература и фольклор. Теоретические аспекты. М., 1981; Мақсетов Қ. Фольклор ҳам адабият. Нокис, 1975; Мамбетов К. Фольклор ҳам жазба адабият. Нокис, 1978; Баҳадырова С. Фольклор и каракалпакская советская проза. Нукус, 1984; Бекбергенова З. Народно-поэтические традиции в каракалпакской поэзии (70–80-е годы). АКД Нукус, 1995.

<sup>2</sup> Юсупов И. Таълаулы шъармалариниң еки томлығы. I-том. Нокис, 1992. 135-бет. Кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олинди, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – Қ.Т.

Муаллифининг «эртакдан бодалаб эртак яради» тасвифи унинг ижодий муаммоларга чизгилар беради. Шоир ўз асарда замонларга дахлдор қорингитиринган ифода объективизмини биринчи шанга чиқаради. Дарё Нурафион бир дард исқонжасида қолган қизини ночор аҳвали руҳияси қирғоқчиликка юз тутган денгиз тинсоли. Унинг эркини четралаётган ёвуз қуч – Посейдон бошқарув тизими. Унинг боласи эса ёмонлик тегиримонига суяликни ҳам ўз изини булғутириди. Шу тариқа ижодкор бадий шартли- твфаққуриниг истпоровий, рамзий ва мажозий қирғиларини мувозий тарзда ўзгартириб юборади. Аникроги, шоир мифопоэтик тасвиурлар доирасида қалиб кетмайдн, балки уларни интеллектуал-поэтик ешлохият билан тўлдир- адн. Асарда дарё илоҳаси Анахита, денгиз худоси Посейдон, шунингдек, довул қаблнги твфенлотлари реал асосларга эга. Поэмда азият чекиётган табиат, экологик мувозанатиниг бузылиши, ҳавонини шўрланганлик даражаси талқини ҳозирги куниниг умумбашарий ифодаси. Кун босқичли сюжет ижодий сарҳадларида эркин ҳаракатланадиган ижодий фитрат эпик тасвир реализминин аста-секинлик билан тераилянгира боради. Воқеалар даво- миёлигида, денгиз худоси Посейдон Углига ошнқ киз дарё бўлиб, шиддат билан йўлга отланади:

Кукени тошга уриб яради у,  
 Чопди, ён-атрофга каради у.  
 Йулбаредай кишлоқларга ваҳшат солиб,  
 Чопган қочоқни ҳам тингламади у (135)

Ҳақиқатан ҳам, тасвир руҳиятида азим Амударё қудратли тўлқинлари, шиддаткор мавжлари билан намоеи булади. Унда бадий талқин мифологиядан эртак аёнчаларига, эртак аёнчавийлигидан реалистик ифода тамойилларига эврилганлиги кўзга ташланади.

Сюжет динамикасида гўзал киз денгиз худосини фарзандига бориб қўшилади. Вақт ўтиши билан қанча машаққатлар торган дарё илоҳаси кизни йилит эътиборидан қолади. Унинг кўз олдини туман қолаб, дарё чироқчинини гўзал келинчагини севиб қолади. Гўзал кизга эса денгиз худосини угли ошнқ булади. У ошнқ, садоқат, вафо сингари тулгуларни топтаб, паризодга етгани йўлларини излайди. Буни шоир: «Чироқчинини сулу» келинчагига ошнқ бўлиб, юрак яраси янгилади», деб эътироф этади. Шу тариқа поэма тераи лиризм ҳамда эпик майдонга қалар кенгайиб боради.

Дарё илоҳасинини кизни эрини огоҳлаштириганида Посейдонини ҳою ҳавасга мойил, тагтнқ ўгли шундай жавоб қайтаради:

Қирғоқда термулар орзу-армоним,  
 Энди муз қотса-да, совумас жоним,  
 Шарқда инки хотини билган эркакка  
 Шаръий бўлиб келган аввалдан, жоним (137).

Бу ерда эртакона сюжет зиддияти тарафлашуви айнан реал воқелик манзараларига бориб туташиди. Салокат ва вафо тинчсоли булган киз ва хою ҳавасга берилган йигит мақсади аслида тазодий муносабатини шакллантиради.

Шоир реал ҳаёт манзараларининг сувратлар экан, мифологик талқин образро ижтимоий-руҳий моҳиятини биринчи планга кўтаради. Муаллиф маҳорати эртак сюжети ва бадиий мушоҳада рефлексациясининг бирлаштириб юбора олишида намоён бўлади. Таълолдаги воқелик даврий жўгрофияга интилимиди, балки эпик кенглик ва лирик ифода силсилаларининг ягона эстетик марказга йиғади. Унда тасвир ва талқини максимал суратда ўзаро қоршииб кетади.

Сюжет динамикаси узвида сув тулпорни чироқчи кемасини ағдариб юбориши натижасида гўзал келинчак жон беради. Бахтга қарши, чироқчи йигит омон қолади. Энди сув тулпорни денгиз худоси ўглидан ранжийди ва сувни зўрга стақлаб, ўзи яшаётган манзил – тоққа қараб йўл олади. Денгиз худоси ўгли эса сулув келинчак вужудининг денгиз тубига қўяди. Номаллум фаришта қабри бошида ўтирган фарзандининг кўрган Посейдон чўчиб кетади ва Довул худосига инсоният бошига кулфат ҳамда офатлар ёғдиришга буйруқ беради:

Ҳой, Довул, сен даҳшатли сас билан,  
Кўтариб осмонга қаттиқ куч билан  
Ва мана бу диёнат қочган маъвога,  
Туз-тўзонни ёғдир одамзот бошига.

Кучайиб улар жа ҳалдидан ошди,  
Ёвузликнинг кулфлоглик огзини очди.  
Юҳодай сўмириб, денгиз, дарёни,  
Дунёни қуришмоқ гарази-ҳасди (141).

Умуман, лиро-эпик поэмада муаллиф ҳаёт ҳақиқатининг мифологик-фольклористик талқинини юксакка кўтаради. Реал воқелик моҳияти, унинг ижтимоий-маърифий-сиёсий-психологик қирралари асарда метаморфоза усули устуворлигини таъмин этади. Шоир тафсилотларининг аянчли яқуни мажозга эврилган инсон қиёфасидаги ёвузлик, лоқайдлик, енгилтабиатлик, ўйсизлик оқибатлари эканлигини мантиқан далиллайди. «Посейдоннинг газаби»да ижодкор кўпроқ XX аср руҳий манзараларини сувратлайди. Унда фольклор унсурлари (эртакона сюжет, асотирий ифода, анъанавий талқин) фақат ва фақат руҳий таҳлил воситаси вазифасини бажаради. Аниқроғи, И.Юсупов лирик туйғу ва эпик тасвирини фалсафа тилида таҳлилга тортади ва унинг асосида ожиз ва қудратли инсон моҳияти ётади.

## ШОҲИДА КАРОМОВА

### Ж.ЖАББОРОВ ШЕЪРЛАРИДА ТАБИАТ ВА ИНСОН МУНОСАБАТЛАРИ ТАЛҚИНИ

Жуманиёз Жабборов табиатни – дала, боғлар, гулзорлар, тоғлар ва дарёларни қуйлаб қўйлаб шеърлар ёзган. У табиат ҳақидаги дostonларини

## МУНДАРИЖА

### АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 568 ЙИЛЛИГИ

И. Ҳаққул. Бадий матн ва таҳлил муаммолари.....	3
О. Журабоев. Қўқон шоирларининг Алишер Навоий ғазалларига мухаммаслари.....	9
С. Ганиева. Саҳийнинг "Ҳашт бисҳшт" таъжираси.....	18
У. Тўрпчиев. Навоийнинг ишқини турларга ажратиб тасвирлаши.....	22

### АДАБИЁТШУНОСЛИК

И. Ёқубов. Пиримкул Кодиров романилари фалсафий-эстетик концепцияси.....	25
Т. Мирзасев, Э. Очилов. Истеъдод ва масъудлик.....	31
И. Раҳимжонов. Ўзбек фантастик наصري тадқиқотчиси.....	40

### ТИЛШУНОСЛИК

И. Маҳмудов. Кесимнинг гапдаги мақоми.....	44
А. Мадвалиев. Илоҳли лугатда терминларнинг лексикографик талқинига доир.....	56
А. Муҳаммаджонов. «Балдахшон» ва «Балдахшонот» маънотопонимининг этимонини таҳлил.....	67

### ИЛМИЙ АХБОРОТ

А. Турдалиев. Муҳли ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш тарихи.....	71
Г. Холлиева. «Фирдавс ул-иқбол» дебوحаси адабий манба сифатида.....	74
С. Бобокалонов. Хожа Исмаил Бухорий ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши.....	78
С. Жураёнова. Кейжа ботир ҳақидаги эртақларининг ўзига хос хусусиятлари.....	82
Г. Жураева. Мажозий образ ва поэтик мазмун.....	85
Қ. Турдибоев. Иброҳим Юсупов ижодида фольклор аъёнлари.....	88
Ш. Каримова. Ж.Жабборов шеърларида табиат ва инсон муносабатлари талқини.....	90
Қ. Тўхсанов. Диний иқтибослар таржимасининг икки усули.....	92
Э. Умаров. Янги аниқланган Навоий лугати.....	94
А. Омонтурдиев. Сўз маънаси.....	95
Г. Исмонлов. Семантик усул билан ҳосил бўлган африм техникавий терминлар хусусида.....	98
Р. Давлатова. Пропозициянинг иккиламчи усулдаги ифодаси.....	101
О. Турсунова. Фонопоэтикада кофия масаласи.....	103
З. Пардаев. Нутқ инновацияси ва уларда баҳо муносабатининг ифодаланиши.....	105
А. Ҳрозбоев. «Риёз ул-даъва»даги иқтибосий-сиёсий лексика асалишида -бон компоненти.....	108

### ТАНҚИД ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

А. Иброҳимов, З. Ҳамидов. "Бобурнома" учун қисқача илоҳли лугат.....	111
И. Охунова. Ўзбек тили гидронимларининг лисоний тадқиқоти.....	113

### ФАНИМИЗ ЗАҲМАТКАШЛАРИ

А. Ҳожиев, А. Мадвалиев, И. Чиникулов, Бердак Юсуф.....	116
---	-----

### ИЛМИЙ ҲАЁТ

Навоийхонлик асқумани.....	118
"Асрорнома" тақдироти.....	119
<b>Шавкат Шукуров</b> .....	119
Журналхонларга.....	121